

ISSN: 2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

2-СОН

ФЕВРАЛЬ, 2023



IMFAKTOR  
PAGES



ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-2

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-2>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

*Юридик фанлар*

**НУРАТДИНОВ Сражатдин Камалатдинович**  
 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
 Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий  
 тадқиқотлар маркази етакчи илмий ходими  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7622290>

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

### АННОТАЦИЯ

Мақолада вояга етмаганлар жиноятчилиги сабаб ва омиллари, мазкур масалада олимларнинг ёндашувлари, вояга етмаганлар жиноятчилиги профилактикасини ташкил этиш бўйича хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари, Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган жиноятчилигининг олдини олиш бўйича амалга оширилган ислохотлар, вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар фаолияти ҳақидаги мулоҳазалар, ўз ифодасини топган. Шунингдек, муаллиф вояга етмаган жиноятчилигини олдини олиш ва камайтириш бўйича ўзининг илмий-амалий таклиф ва мулоҳазаларини илгари сурган.

**Калит сўзлар:** вояга етмаганлар жиноятчилиги, жиноят сабаблари, жиноят омиллари, махсус ўқув курси, инспектор-психолог, жиноят профилактикаси, профилактик суҳбатлар, ички ишлар органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар.

## ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ ПРЕСТУПНОСТИ СРЕДИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

### АННОТАЦИЯ

В статье отражены взгляды ученых на причины и факторы преступности несовершеннолетних, передовой опыт организации профилактики правонарушений несовершеннолетних в зарубежных странах, комментарии о реформах в области профилактики правонарушений несовершеннолетних в Республике Узбекистан. А также автор выдвинул свои научно-практические предложения и замечания по профилактике и снижению преступности несовершеннолетних.

**Ключевые слова:** Преступность несовершеннолетних, причины преступности, криминальные факторы, курс специальной подготовки, инспектор-психолог, профилактика правонарушений, профилактические беседы, органы внутренних дел, правоохранительные органы.

## PREVENTION OF JUVENILE DELINQUENCY

### ANNOTATION

The article reflects the views of scientists on the causes and factors of juvenile delinquency, advanced experiences in organizing the prevention of juvenile delinquency in foreign countries, opinions on reforms in the field of juvenile delinquency prevention in the Republic of Uzbekistan. The author also put forward his scientific and practical proposals and comments on the prevention and reduction of juvenile delinquency.

**Keywords:** juvenile delinquency, causes of crime, factors of crime, special training course, inspector-psychologist, crime prevention, preventive conversations, internal affairs agencies, law enforcement agencies.

Вояга етмаганлар жинойтчилиги сонининг ошиши дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган муаммолардан биридир. Мавзунинг долзарблиги мамлакатлар тараққиётининг кейинги ўзани қай томонга йўналиши айнан етишиб келаётган ёшлар қўлида эканлиги билан тавсифланади. Яъни, юртбошимиз таъбири билан айтганда “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ”[1].

Жаҳоннинг турли мамлакатларда содир этилган жами жинойтларнинг 30-40 фоизи вояга етмаганлар ҳиссасига тўғри келади, жумладан, Буюк Британияда 40 фоиз, Америка Қўшма Штатларида 32 фоиз, Германияда 38 фоиз[2]. Мазкур таҳлиллар дунёнинг энг ривожланган давлатлари мисолида олинган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар ижтимоий-сиёсий инқирозни бошидан кечираётган қашшоқ давлатларда янада аянчли манзара касб этади.

Ўзбекистон Республикасида бу борада вазият анча барқарор хусусан, 2021-йилда содир этилган жинойтларнинг 2 фоизи вояга етмаганлар ҳиссасига тўғри келган. Лекин 2022 йил уч ойи давомида вояга етмаганлар томонидан 583 та жинойт содир этилган[3]. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 60 фоизга кўпроқ ҳисобланади. Шу боис мазкур йўналишдаги ишларга асло совуққонлик билан қараб бўлмайди. Вояга етмаганлар жинойтчилигининг олдини олиш ва барҳам беришда унинг сабаб ва шарт-шароитларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Криминологияда жинойтларнинг олдини олиш деганда жинойт ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имконият яратувчи сабаблар ва омилларни бартараф этиш ёки уларни нейтраллаштиришга қаратилган давлат ва жамият чора-тадбирлари мажмуини тушуниш одат тусини олган [4].

Жинойт содир этилишига имкон яратувчи сабаб ва омиллар муаммосини илмий жиҳатдан ўрганиш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Вояга етмаганлар жинойтчилиги катталар жинойтчилиги билан бир хил сабабларга эга, бироқ уларнинг вояга етмаганлар жинойтчилигига таъсир кўрсатиш механизми анча фарқ қилади. Бу сабаблар шахснинг шаклланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Мазкур тарбия ташкилий ва стихияли жиҳатларни, тарбия ҳамда тегишли ижтимоий амалиёт таъсирини ўз ичига олади [5]. Айримлар вояга етмаганлар жинойтчилигининг сабаблари қаторига қуйидагиларни киритади: ўсмирнинг кайфияти ва руҳиятига таъсир кўрсатувчи ҳаётдаги муваффақиятсизликлар; маънавий ва ахлоқий мўлжалларнинг беқарорлиги; шахслар жинсий гуруҳи билан яқин алоқада бўлиш ёки муайян шароитда улар ўсмирга салбий таъсир кўрсатиши; руҳиятининг айрим хусусиятлари; оила ёки жамоадаги ноқулай шарт-шароитлар [6].

Тадқиқотчилар Д.Ж. Суёнова ва М.А. Усмановалар вояга етмаганларнинг жинойтчиға айланиб қолишига қуйидаги омиллар сабаб бўлишини таъкидлайдилар: оила ва турмушдаги салбий таъсирлар; носоғлом турмуш тарзи; ёмон хулқли шахслар билан алоқада бўлиш; ўқимайдиган вояга етмаган шахсларнинг узок вақт мобайнида муайян фойдали машғулот билан шуғулланмаганлиги; катта ёшдаги жинойтчилар томонидан турли ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга вояга етмаганларни жалб қилиниши; зўрлик ишлатишлар билан боғлиқ турли китоблар, видеофильмларни томоша қилиш; руҳий ҳолатдаги айрим сифатлар; оммавий маданиятнинг салбий таъсири; яқин қариндошлар томонидан вояга етмаганга нисбатан эътиборсизлик билан қараш; ота-онанинг вояга етмаган фарзандига нотўғри тарбия бериши; мактабда ўқув жараёнида вояга етмаганлар ўртасидаги келишмовчиликларнинг пайдо бўлиши; вояга етмаган қизларнинг ёши катта қизлар билан тунги вақтда кўчаларга чиқишлари ва ҳ.к [7]. Америка Қўшма Штатларида вояга етмаган жинойтчиликнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқий саводхонликни оширишга алоҳида урғу берилади. Хусусан, Виржиния шаҳрида бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган махсус ўқув курси жорий этилган бўлиб, курс давомида ўқувчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг асосий вазифалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, индивидуал ва жамоавий хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари билан таништирилади [8].

Курс 4-синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб қуйидаги асосий мавзуларни ўз ичига олади: ҳуқуқ ва жиноятчилик, уй-жой хавфсизлиги, хонадон ўғирлиги, вандализм ҳамда шахсий хавфсизлик. Курс охирида материалнинг ўзлаштирилишини текшириш ва барча болаларга махсус сертификатлар ва нишонларни топшириш режалаштирилган. Ўқув курси ҳар бири 45 дақиқадан иборат олти дасдан иборат бўлиб, машғулотлар махсус тайёргарликдан ўтган полиция ходимлари томонидан уч ҳафта (ҳафтада икки дарс) давомида полиция формасида (бу муҳим маънавий омил ҳисобланади) олиб борилади.

Ўқув курсига 10 ёшга тўлган болалар танлаб олингани тасодиф эмас психологларнинг тадқиқотларига кўра бу ёшда болада ғайриоддий мойиллик, мустақилликка интилиш туйғулари тез шакллана бошлайди. Ўқув материали ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланади, ўқув жараёнида ўйинли машғулотлар ва қисқа метражли филмлар кенг қўлланилади.

Дастурни ишлаб чиқувчиларнинг фикрича, бу дастур шахсда ёшлигидан ижтимоий ходисаларни тўғри тушуниш, полицияга нисбатан ижобий муносабат ва хавfli вазиятлардан қочиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Курсни ўқиган болаларнинг келажакда жиноятчи ёки жиноят қурбони бўлиш имконияти камроқ бўлади деб тахмин қилинади.

АҚШнинг Флорида штатида ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ишлаб чиқилган ва аксарият давлат ва хусусий мактабларда жорий этилган юридик таълим дастури диққатга сазовордир. 7-8-синф ўқувчилари учун мўлжалланган дастурнинг вазифаси вояга етмаганларни жамиятдаги мавжуд қадриятлар тизими, жиноят қонунчилиги асослари ва фуқаронинг бурчлари билан таништириш, шунингдек, бу борадаги ғояларни шакллантиришдан иборат. Дастурда ўқувчилар қизиқарли интерфаол усуллар, савол-жавоблардан асосида талончилик, босқинчилик, ҳуқуқбузарлик, бузғунчилик, ҳибсга олишга қаршилик кўрсатиш, ноқонуний қурол сақлаш, дўкон ўғирлиги, автомашина ва аккумулятор ўғирлиги, ўт қўйиш, спиртли ичимликлар, ноқонуний гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ва қотиллик каби ҳуқуқбузарликларга оид қонунлар билан таништирилади. Алоҳида мавзуларда жинойи фаолиятнинг оқибатлари, шунингдек, жамият учун қонунлар ва уларнинг бажарилишини назорат қилувчи органларнинг нима учун зарурлиги муҳокама қилинади.

Лос-Анжелес полиция департаменти томонидан ишлаб чиқилган дастурга кўра вояга етмаганларнинг жинойи муҳит вакиллари бевосита кузатиш, турли жиноятлар, жумладан, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилганлиги учун ҳибсга олинган тенгдошлари билан юзма-юз учрашишлари учун полиция бўлимига ташрифлари ташкил этилади.

Полиция ходимлари ўсмирларни даволаш усуллари, беморларни сақлашнинг қатъий режими билан яқиндан таништириш мақсадида вояга етмаган гиёҳвандларни даволайдиган марказга олиб боради. Шундан кейин суд жараёнини кутаётган 14 ёшдан 20 ёшгача бўлган жиноятчилар сақланаётган ахлоқ тузатиш марказига “экскурсия” уюштирилади. Дастур вояга етмаганларни жиноятчиларнинг ҳолати ва жиноятнинг оқибатидан хабардор қилиш орқали вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликларни олдини олишга қаратилган [8].

Буюк Британия полиция бўлимларида жамоатчилик бўлимлари (бўлимлар) ташкил этилган бўлиб, бундай бўлим ходимлари полициянинг 2 фоизини ташкил қилиши керак.

Ушбу бўлимлар, полициянинг қуйидаги умумий вазифаларини амалга оширишга кўмаклашади:

- болаларнинг хулқ-атвори ва тарбиясини назорат қилиш учун жамоатчилик ва ота-оналарни жалб қилиш;
- ёшлар, ижарачилар уюшмалари, черков ва бошқа ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш;
- мактабларда суҳбатлар ўтказиш;
- вояга етмаганларни ички ишлар органларининг функциялари ва вазифалари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш, унинг фаолияти билан таништириш [9].

Германияда полициянинг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги тажрибаси юқори ҳисобланади. Германиянинг шимолий Рейн-Вестфалия штатидаги барча йирик полиция бўлимларида гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар, жинсий жиноятлар, бедарак йўқолганлар, шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш учун махсус комиссиялар ташкил этилган. Вояга етмаган жиноятчи, жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида ўтаётган ишлар таҳлили ушбу комиссарликка топширилган. Криминал полиция бўлимининг ахборот тизимида вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги махсус маълумотлар мажмуаси яратилган. Унга киритилган маълумотлар асосида ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ошишининг сабаблари ва характерли хусусиятлари таҳлил қилинади. Бундай тадқиқотлар натижалари ички ишлар органлари ходимларини ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашда фойдаланилмоқда [10].

Баден-Вюртемберг худудида криминал полициянинг катта бўлинмаларида вояга етмаган жиноятчилар учун бўлимлар ташкил этилган. Қолган хизматларда фақат вояга етмаганлар жинояти билан шуғулланадиган ходим мавжуд. Махсус бўлимлар ва ходимларнинг вазифаси вояга етмаганлар нафақат жиноятчи, балки жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида ҳаракат қиладиган барча ҳолатларни таҳлил қилишдир.

Франция полиция префектура департаментларида болалар ва ёшлар жиноятларининг олдини олиш ва ижтимоий профилактика соҳасидаги барча хизматларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун бўлинмалар ташкил этилган бўлиб, улар полиция назорати остида фаолият олиб боради.

Ёз мавсумида таътилга шаҳардан чиқмайдиган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида “Ёзги ёшлик”, “Таътил” номли тадбирлар ташкил этилади. 1982 йилдан бошлаб бундай тадбирларнинг тизимли ўтказилиши ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик даражасини сезиларли даражада камайтирди [11].

Мамлакатимизда ўтган беш йил мобайнида бола ҳуқуқларига оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 20 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Мамлакатимизда сўнги йилларда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрель кунидаги ПҚ-5050-сон (“Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”) қарорига асосан, республика бўйича ички ишлар органларида жами 1 100 та вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог (2022 йил давомида қўшимча 900 та) лавозимлари жорий этилиб, уларнинг бевосита хизмат ўташ жойи этиб умумий ўрта таълим мактаблари белгиланди [12].

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида» 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сон қароридан Халқ таълими вазирлиги томонидан вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар учун умумтаълим мактабларидан 2021 йилда 1 100 та хизмат хоналари ажратилганлигини кўришимиз мумкин.

Инспектор-психологларни бевосита вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш;
- таълим муассасалари психологлари билан ҳамкорликда вояга етмаганларда қонунбузилишларга муросасиз бўлиш ҳиссини шакллантириш;
- муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари иштирокида манзилли ишлаш;
- умумий ўрта таълим мактабида ички назоратида ўқувчилар билан тизимли ишлаш ҳамда ушбу ўқувчиларни ички назоратдан чиқариш;

– таълим муассасалари психологлари билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида суицид ҳолатларига мойилликни барвақт аниқлаш, ушбу ҳолатнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ҳамда суицид ҳолатларига мойил ўқувчилар билан коррекцион машғулотларни олиб бориш;

– дарсларга сабабсиз мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни, аниқлаш, дарсларга қатнашмаслик сабабаларини ўрганиш, вояга етмаганнинг таълим олишга тўсқинлик қилаётган омилларни мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бартараф этиш чораларини кўриш.

Инспектор-психологлар куннинг биринчи ярмида мактабларда психологик муҳитни яхшилаш ва ўқувчилар орасида қонунбузилишларга муросасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш ҳамда куннинг иккинчи ярмида эса муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари иштирокида манзилли ишларни олиб бормоқда.

Эндиликда, ҳар бир ички ишлар органи раҳбари ўзига бириктирилган мактабда: ўқувчиларнинг давоматини яхшилаш, уларни ватанпарварлик руҳида, комил инсон сифатида тарбиялаш учун зарурий шароитларни (кутубхона, спорт зал, тўгарак хоналари) яратиш, ободонлаштириш; ҳомий ва бошқа қонунчилик билан тақиқланмаган маблағларни жалб этган ҳолда мактаб инфратузилмасини яхшилаш, “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш”, “Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш” махсус синф хоналари ҳамда вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог учун алоҳида хона ташкил этиш; ўқувчиларни кадамжолар ва зиёратгоҳларга олиб бориш, оммавий спорт, беллашув ва бошқа оммавий тадбирларни ташкил этиш учун шахсан масъул этиб белгиланди.

Мазкур йўналишда амалга оширилган ислохотлар келгусида ўзининг ижобий самарасини беради албатта.

Юқоридагилардан келиб, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

– ҳуқуқбузарлик, жиноят қилишга мойил ва тарбияси оғир бўлган вояга етмаганларни аниқлаб, уларнинг қизиқишлари, иқтидорларига қараб ҳар хил тўгаракларга жалб қилиш;

– маҳалла фаолларининг ҳар бир вояга етмаганлар оиласининг ижтимоий-психологик муҳитидан хабардор бўлишини таъминлаш;

– вояга етмаганларни маҳалла жамоатчилик ишларига, турли хил ўтказиладиган тадбирларга, маҳалла ижтимоий ҳаётига кенг равишда жалб этиш;

– ёшларни тиббий, психологик, тарбиявий, ҳуқуқий, маънавий – маърифий соҳалардаги маълумотлар билан қуроллантириш мақсадида маҳаллада махсус тадбирларни уюштириш;

– тарбияси “оғир”, ҳуқуқбузарликка мойил вояга етмаганларнинг ота-оналари, маҳалла, таълим муассасалари ва вояга етмаганлар комиссияларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини йўлга қўйиш; Ўсмирларнинг қизиқиши, қобилияти ва ақл-заковатини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фаолиятга тортиш, уларнинг ўсмирлар гуруҳлари ва жамоатчилик орасида ўз ўринларини топа олишга қўмаклашиш;

– моддий-маиший шароитнинг етарли эмаслиги вояга етмаганларда жиноятчилик хулқининг келиб чиқишига таъсир этишини ҳисобга олиб, бундай оилаларга маҳаллий ҳокимият, ижтимоий таъминот идоралари ва хайрия жамғармалари томонидан моддий ёрдамлар бериб туришни ташкил этиш;

– таълим тизимидаги малака ошириш муассасалари ўқув дастурларига “Болалар ва ўсмирлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари”, “Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларнинг психологик асослари”, “Вояга етмаганлар қонунбузарликлари ва уларни олдини олишнинг психологик-педагогик масалалари” [11] номли курс ёки мавзуларни киритиш;

– ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли таъсир чоралари кўрилишига алоҳида эътибор қаратиш;

– мактаб ўқувчилари ўртасида таътил вақтида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликни олди олиш мақсадида, инспектор-психологлар томонидан маҳалла ёшлар етакчилари ҳамда таълим муассасалари ходимлари билан ҳамкорликда уларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этишгачора-тадбирларни амалга ошириш;

– таълим муассасаларида ўқувчилар томонидан тифли жисмлар олиб келиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар амалга ошириш;

– ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли таъсир чоралари кўрилишига алоҳида эътибор қаратиш;

– инспектор-психологлар томонидан ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда вояга етмаган фарзандларига васий ёки ҳомий тайинламасдан қолдириб, яшаш манзилларидан турли мақсадларда хорижий мамлакатларга кетган ота-оналарни аниқлаб, манзилли рўйхатлари шакллантириш, аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли мутасадди идора ва ташкилотларга маълумотлар киритиб бориш;

– ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган вояга етмаганларни аниқлаш ва улар билан манзилли ишлашни ташкил этиш фаолиятини ҳар ой якунида муҳокама этиб бориш.

– умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синф (4 синф) ўқувчилари учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти билан таништиришга мўлжалланган ўқув курсини ташкил этиш. Ўқув курсларини ички ишлар органларининг формали кийим-бошида ташкил этишга эътибор қаратиш лозим. Бу муҳим маънавий омил ҳисобланиб, ички ишлар органлар ходимларига нисбатан ижобий муносабат шаклланишига сабаб бўлади.

– вояга етмаганларни ички ишлар органларининг меҳнат фаолияти билан таништириш учун ички ишлар органларига, тарбияси оғир ўсмирларни ота-оналарининг розилиги билан вояга етмаган жиноятчилар сақланадиган ахлоқ тузатиш колонияларига ташрифларини ташкил этиш;

Мазкур таклифларни амалга оширилиши вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишида тизим самарадорлигини ошишига муносиб ҳисса қўшади деб ҳисоблаймиз.

## ИҚТИБОСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. (Speech by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the 72nd session of the UN General Assembly) <https://strategy.uz/index.php?news=615>.
2. [www.un.org](http://www.un.org).
3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хукукий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар марказининг 2022 йил 1-чорак якуни бўйича маълумоти. (Information of the Center for Legal Statistics and Operational Data of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan for the 1st quarter of 2022).
4. Қаранг: Криминология. – М., 1996. – 203-204-б.
5. Долгова А.И. Социально-психологические аспекты преступности несовершеннолетних. – М., 1981. – 35-б.
6. Қ.Р. Абдурасулова Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи (Q.R. Abdurasulova Criminological description of juvenile delinquency) <https://uz.denemetr.com/docs/768/index-287574-1.html>.
7. Д.Ж. Суюнова ва М.А. Усманова Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларни профилактика қилишнинг ҳудудий методикаси. Илмий-амалий тавсиялар. –Т., 2019. 17-бет. (D.J. Suyunova and M.A. Usmanova Regional methodology for the prevention of juvenile delinquency. Scientific and practical recommendations. –Т., 2019. p.17.)
8. Murray, Taylor Danielle. "Untangled: The Effects Family Structure Has on Juvenile Delinquency." Thesis or Diss., University of North Texas, 2017. <https://digital.library.unt.edu/ark:/67531/metadc1062879/>.
9. [https://www.academia.edu/2492774/Inventing and Re Inventing the Juveni Delinquent i n British History](https://www.academia.edu/2492774/Inventing_and_Re_Inventing_the_Juveni_Delinquent_in_British_History)
10. [https://www.researchgate.net/publication/225262517\\_Juvenile\\_Justice\\_in\\_Germany\\_Between\\_Welfare\\_and\\_Justice](https://www.researchgate.net/publication/225262517_Juvenile_Justice_in_Germany_Between_Welfare_and_Justice)
11. <http://docplayer.com/43447080-Guseynov-arsen-batyrhanovich-soiskatel-kafedry-kriminologii-krasnodarskogo-universiteta-mvd-rossii-tel-928.html>.
12. <https://lex.uz/docs/5353841>.
13. Саломат Ниёзова Ўсмир нега жиноятга қўл уради?. (Salomat Niyazova Why does a teenager commit a crime?) <http://hudud24.uz/ysmir-nega-jinoyatga-qyl-yradi/>.

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-2

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)

